

ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ СОДИР ЭТИЛИШИ САБАБЛАРИ ВА ШАРТ-ШАРОИТЛАРИНИ АНИҚЛАШ ҲАМДА БАРТАРАФ ЭИШ ФАОЛИЯТИ

Хурсанбоев З.Р.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси

306-гуруҳ курсанти

АННОТАЦИЯ

Профилактика инспекторининг ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитларини аниқлаш, таҳлил қилиш ва бартараф этиш фаолияти тушунчаси, ўзига хос хусусиятлари, мазкур фаолиятни тартибга солувчи нормалар ва уларни қўллаш амалиёти таҳлил қилиниб, бу борада илғор хорижий давлатлар тажрибаси ўрганилиб, такомиллаштиришга доир таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: ҳуқуқий норма, халқаро ҳуқуқ, принцип, субъект, қонун, профилактика, ижтимоий хавфлилик.

ANNOTATION

This qualification study analyzes the concepts, characteristics, norms regulating these activities and their application, identifying, analyzing and eliminating the circumstances of the offenses and the conditions that prevent them, and proposals for improvement have been developed.

Key words: legal norm, international law, principle, subject, law, prevention, social danger.

Ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шароитларини бартараф этиш чоратадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш механизми ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятининг негизини ташкил этади. Ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шароитларини бартараф этиш чоратадбирлари ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг мавжуд турлари, усул ва шакллари доирасида ишлаб чиқилади ва амалга оширилади. Бирок, “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида” ги қонун қабул қилинишига қадар юридик адабиётлар ва манбаларда ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг турлари ҳақида турлича қараш ва фикрлар илгари сурилиб, аниқ бир тўхтам мавжуд эмас эди. Қонуннинг қабул қилиниши бевосита ушбу қарамақаршилиқларга барҳам берди ва б-моддасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг қуйидаги тўрт тури: – ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси; – ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси; – ҳуқуқбузарликларнинг яқка тартибдаги профилактикаси; – ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик

профилактикаси аниқ белгилаб қўйилди. Шунингдек, Қонуннинг 3–6-бобларида ҳуқуқбузарликлар профилак- тикаси турларининг тушунчаси ҳамда уларнинг ўз ичига қамраб олган чора- тадбирлари ва уларни амалга ошириш асослари ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланди Юқорида келтирилган ҳуқуқбузарликлар профилактикаси турларининг ҳар бири ўзига хос жиҳатларга эга бўлиб, муайян бир турини амалга ошириш орқали эришиш мумкин бўлган натижаларга бошқасини амалга ошириб эришиш мушкул ҳисобланади. Ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси ҳам бундан мустасно эмас. Ҳуқуқбузарликларнинг умумий тартибдаги профилактикаси – ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда муассасаларнинг ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш бўйича фаолият (Қонуннинг 22- моддаси). Ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси тасдиқланган дастур, режа ва жадваллар асосида, шунингдек соҳавий хизматларнинг ҳамда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи бошқа орган ва муассасалар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат ноижорат ташкилотлар билан ўзаро келишуви асосида амалга оширилиши мумкин. “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонун талабларига кўра ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси чора-тадбирлари қуйидагиларни ўз ичига олади: – ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурлари ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш; – аҳоли ўртасидаги ҳуқуқий тарғибот ўтказиш; – ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида тақдимномалар киритиш. Ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа чора-тадбирларни ҳам ўз ичига олиши мумкин (Қонуннинг 23-моддаси). Ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурлари ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурлари Вазирлар Маҳкамаси томонидан ишлаб чиқилиб тасдиқланади ва ижрога йўналтирилади. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ва муассасалар ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг давлат дастурларини ишлаб чиқиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклиф ва тавсиялар киритиш ваколатига эга. Жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишнинг яхлит тизимини шакллантириш, ички ишлар органларининг энг қуйи бўғинидан республика даражасигача самарали 55 фаолиятини йўлга қўйиш ва замонавий иш

услугларини жорий этиш орқали мамлакатимизда ҳуқуқ-тартибот ва қонунийликни мустаҳкамлаш, аҳолининг тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш мақсадида Ички ишлар органлари фаолиятини ташкил этишнинг мутлақо янги механизмлари ишлаб чиқилди. Ушбу мақсадларга эришишнинг энг муҳим шarti ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектларининг ҳамкорлигини такомиллаштириш ва белгиланган вазифаларни сифатли бажарилишини таъминлашдир. Аини пайтда, бир қатор давлат дастурлари қабул қилиниб, ижрога йўналтирилган. Ушбу дастурларда ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир чора-тадбирлар белгиланишига қарамасдан, уларни ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастури деб эътироф этиб бўлмайди. Чунки дастурни қабул қилишдан кўзланган мақсад ва вазифалар айнан ҳуқуқбузарликлар профилактикасига йўналтирилган бўлишни тақозо этади. Аммо мантиқан олганда ҳар қандай давлат дастуридан ўрин олган профилактик чора-тадбирлар ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси мазмунига эгаллигини истисно этмайди.

Афсуски, амалдаги қонун ҳужжатларида ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш чорасини назарда тутувчи қонун нормаси фақатгина амалдаги Жиноятпроцессуал кодекси (6-бўлим) ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларда (196, 313-моддалар) ўз ифодасини топган. Бирок, “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонун талаблари ҳуқуқбузарликка қарши курашувчи, унинг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаб, бартараф этилишини таъминловчи ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ҳам ўз фаолияти жараёнида аниқланган ҳуқуқбузарликка оид статистик ҳамда бошқа маълумотлар таҳлиliga асосланиб, муайян вазирлик ёки қўмита ва унинг қўйи тузилмалари даражасида ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида тақдимномалар киритишлари мумкинлигини тақозо этади. Масалан, Республика Бош прокурори ИИВга, вилоят прокурорлари вилоят ИИБга тақдимнома киритиши мумкин Юқоридагилардан келиб чиқиб, ушбу мазмундаги тақдимномаларни қўйидагича гуруҳлаш мумкин: – прокурор томонидан киритиладиган тақдимномалар; – ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи бошқа субъектлар томонидан киритиладиган тақдимномалар; – ҳуқуқбузарлик ишини юритувчи мансабдор шахслар томонидан киритиладиган тақдимномалар. Ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси чора-тадбирлари. Ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси каби махсус профилактика ҳам ўзига хосликларга эга. Бирок, қайсидир томонлари билан ҳуқуқбузарликларнинг умумий, яқка тартибдаги ва виктимологик

профилактикаси турларининг айрим жиҳатларига ўхшашлиги кўзга ташланади. Ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикасини профилактиканинг бошқа турларидан ажратиб турувчи асосий жиҳат у фақат ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи субъектлар ташаббуси ва раҳбарлиги остида, олдиндан ишлаб чиқилган ва ички буйруқ билан тасдиқланган махсус режалар асосида амалга ошириладиган махсус тадбирлардан иборат эканлигидир. Ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси фаолиятини қуйидаги икки йўналишга ажратиб ўрганиш мумкин: 1. Профилактик таъсир кўрсатишга қаратилган махсус тадбирларни ишлаб бериш. 2. Профилактик таъсир кўрсатиш мақсадида ишлаб чиқилган махсус тадбирларни амалга ошириш. Профилактик таъсир кўрсатишга қаратилган махсус тадбирлар қуйидаги ҳолатларда ишлаб чиқилади: Муайян ҳудуд ёки даврда айрим турдаги ҳуқуқбузарликлар кўпайган ҳолларда. Бунда махсус профилактик тадбирлар ушбу ҳудуд ёки даврнинг ўзига хос хусусиятларини, ҳуқуқбузарликларни келтириб чиқарувчи ва унинг содир этилишига имконият яратувчи омилларнинг моҳиятини, ҳуқуқбузарлик содир этувчиларнинг шахси, ҳуқуқбузарликлар содир этилаётган ҳудуд ва давр, ушбу турдаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда куч ва имкониятларини ўрганган ва ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилади. Муайян ҳудуд ёки даврда айрим тоифадаги шахслар кўпайиши билан аҳоли соғлиги, тинчлиги ҳамда уларнинг шахсий ва мулкӣ хавфсизлигига салбий таъсири юзага келган ҳолларда. Ушбу ҳолатда айрим тоифадаги шахслар икки хил маънода талқин этилади. Биринчиси, ҳуқуқбузарлик содир этган, содир этишга мойил ёки ғайриижтимоӣ ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар тоифаси бўлса, иккинчиси, ҳуқуқбузарликлардан жабрланган ва жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган шахслар тоифасини ташкил этади.

Жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига, шахс, жамият ва давлат манфаатларига тажовуз қилувчи хатарлар ва таҳдидларнинг реал хавфи юзага келганда. Бу каби хатар ва таҳдидларга оммавий тадбирларни ўтказиш жараёнидаги оммавий тартиббузарликларни, табиӣ офат юз берганда аҳолининг соғлиги, шаъни, қадр-қиммати ёки мулкига нисбатан тажовузни, муайян ҳудудда тери-таносил ёки бошқа касалликларнинг тарқалиши хавфининг келиб чиқиши мумкинлигини, шунингдек аҳоли гавжум жойларида террорчилик актлари содир этилиши мумкинлигини мисол тариқасида келтириш мумкин. Мухтасар қилиб айтганда, гарчи қонун ва қонуности ҳужжатлари билан ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактик чора-тадбирлари белгиланган бўлишига қарамаздан, профилактиканинг ушбу турининг ижтимоӣ-ҳуқуқӣ мақоми ҳамда амалга ошириш механизми тўлиқ белгиланмаган. Бу эса, келгусида ушбу йўналишда илмӣ тадқиқот ишларини олиб бориш, мавжуд

қонунчиликка ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳамда амалиётни методик таъминлаш заруратини келтириб чиқаради. Ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси чора- тадбирлари. Маълумки, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ҳар бир турининг ўзига хос жиҳатлари мавжуд. Муайян бир турини амалга ошириш орқали эришиш мумкин бўлган натижага бошқасини амалга ошириб эришиш мушкул вазифа ҳисобланади. Бу ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси ҳам тааллуқли. Ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси – ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасаларнинг ғайриижтимоий хулқ-атворга эга, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларни аниқлаш, уларнинг ҳисобини юритиш ва уларга тарбиявий таъсир кўрсатишга доир фаолияти. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг мазкур тури якка тартибдаги профилактика объектига (ғайриижтимоий хулқ-атворга эга, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил ва ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларга самарали таъсир кўрсатиш имкониятига эга. 62 Шунинг ҳам инобатга олиш керакки, айрим ҳолларда бир гуруҳ шахслар ҳам ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси объекти бўлиши мумкин. Аммо ушбу бир гуруҳ шахслар муайян бир бутун объектни ташкил этиши лозим. Бунга жанжалкаш оилаларни мисол қилиб келтириш мумкин.

ХУЛОСА

Фуқаролик жамаяти ривожланиб борган сари, асрлар давомида ўз даврининг мутафаккир олимлари томонидан илгари сурилган фикрлар давлатларнинг миллий ҳуқуқ тизимида ва ундан кейин турли халқаро конвенсиялар ва пактларда ҳуқуқий қадрият сифатида ўз ифодасини топмоқда. Бугунги кунда бутун дунёда жиноятчиликка қарши курашиш борасидаги ишларга бўлган ёндашувни тубдан қайта кўриб чиқишни тақозо этди, дуйиш мумкин. Бундан куйин жиноятчиликка қарши курашиш фақатгина содир этилган жиноятларни очиш, ҳуқуқбузарларни топиш, қонуний жазо тайинлаш ва уни ижро этишдан иборат бўлиб қолиши мумкин эмас. Ҳатто содир этилиши режалаштирилаётган ҳуқуқбузарликнинг олди олинганда ҳам бу вазифани бажаришга жуда кеч киришилган деб ҳисоблаш керак бўлади. Шу тариқа дастлаб жиноятчиликка қарши курашиш қаолиятининг кичик элементи сифатида пайдо бўлган ҳуқуқбузарликлар профилактикаси кейинчалик жиноятчиликка қарши курашиш фаолиятдан ҳам юқори турувчи алоҳида ва кенг қамровли фаолият йўналишига айланди. Шу боисдан, бугунги кунда ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг энг самарали усул ва шакллари ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади. Аммо шунинг унутмаслик керакки шакл ва усулларни қўллашда ҳудудлардаги ҳуқуқбузарликларнинг содир этилишига таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлаш муҳим вазифа эканлигини англашимиз лозим.

Криминоген вазиятга таъсир этувчи омиллар ичида содир этилган ҳуқуқбузарликларнинг турлари ҳам алоҳида аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 29 декабрдаги Олий мажлисга мурожаатномаси.
2. Ўзбекистон республикаси президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 25 октябрь - Ўзбекистон республикаси Ички ишлар органлари ходимлари куни муносабати билан Ички ишлар органлари ходимлари ва фахрийларига байрам табриги. 2021 йил 25 октябрь
3. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 2023й.
4. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида” ги қонуни
5. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги “Ички ишлар органлари тўғрисида” ги қонуни.
6. Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида» ги 14.05.2014 йилда қабул қилинган ЎРҚ-371-сон Қонуни.
<https://lex.uz/docs/-2387357>
7. https://uza.uz/uz/posts/jamoatchilik-nazorati-tarixi-zamonaviy-qarashlar-va-yondashuvlar_391305
8. https://www.norma.uz/uz/qonunchilikda_yangi/jamoatchilik_nazorati_nimalarga_et_ibor_qaratish_kerak
9. <https://strategy.uz/index.php?news=799>
10. Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.
<https://lex.uz/uz/>